БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 225 (16.915). ● 25 сентябрь 1977 йил, якшанба ● Баҳоси 2 тийин.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва унинг асосий турларини ишлаб чиқариш юзасидан тўққиз ойлик планни 24 сентябрь кунн муддатидан илгари бажардилар. Топшириққа қўшимча равишда 13 миллион сўмликдан кўпроқ гўшт ва сут маҳсулотлари реализация қилиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).



ЎТГАН КУНИ—23 СЕНТЯБРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА

202 МИНГ 380 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ

БУНДАЙ СУРЪАТГА ПАХТАЧИЛИК ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРТА ЭРИШИЛДИ

ПАХТАЗОР— ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

Республикамизнинг «оқ олтин» далаларида қаҳрамонлик симфонияси баралла янграмоқда. Қишлоқларимизнинг барча меҳнаткашлари, шонли дала гвардиячилари партия олдидаги, Ватан олдидаги шарафли бурчларини ўташ учун меҳнат фронтига отландилар. «Оқ олтин» диёрининг зар шунослари енг шимариб пахта хирмони уйишга қизғин киришиб кетдилар. Ўроқ ва Болға иттифоқига содиқ асамат ишчилар синфимиз ҳам, пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тола сифатини яхшилашни ўз тадқиқотларининг бош мавзуси қилиб олган тиниб-тинчимас олимларимиз ҳам қишлоқ меҳнаткашлари билан бир сафда туриб, ўзларини пахта фронтига сафарбар деб билмоқдалар.

Ҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон меҳнаткашларининг асосий вазифаси — йил бўйи пешона тери, қалб қўри, ақл ва заковатини сарфлаб етиштирган олтиндан ҳам қимматли пахтани сира нобудгарчиликка йўл қўймай қисқа вақт ичида йиғиб-териб олишдан иборат. Бу вазифани бажаришда эса комплекс механизация ҳал қилувчи роль ўйнайди. Пахта йиғим-теримини комплекс механизациялаш шу боисдан ҳам Ўзбекистон партия ташкилоти ва барча меҳнаткашларининг зарбдор вазифасидир.

Буни яхши ҳис этган Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Бухоро областларининг деҳқонлари пахтани машинада териш бригадалари сифатида иш тутмоқдалар. Уларнинг ва бошқа областлардаги дала гвардиячиларининг куч-ғайрати, матонати туфайли республикамиз пахта тайёрлаш суръатлари жиҳатидан деҳқончилигимиз тарихида мисли кўрилмаган чўққиларни эгалламоқда.

Мана, бир неча кундирки, Ўзбекистон пахтакорлари тайёрлов пунктларига кунига йиллик планнинг 3,6—3,7 процентн миқдорида «оқ олтин»ни етказиб бермоқдалар. Ўтган куни республикамиз бўйича 202 минг 380 тонна пахта тайёрланиб, бу соҳада рекорд кўрсаткичга эришилди. Бундай қувончли натижаларга Ўзбекистон партия ташкилотининг меҳнаткашлар орасида олиб бораётган катта ташкилотчилик, сафарбар этувчилик ва сиёсий-оммавий ишлари туфайли эришилмоқда.

Бу йилги пахта йиғим-терими кампанияси ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ва моҳирона олиб борилаётганлигининг яна бир муҳим боиси Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан меҳнат коллективлари орасида авж олиб кетган умумхалқ социалистик мусобақасининг кенг кулоч ёйганлигидадир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охуновага йўллаган мактуби меҳнат аҳлининг бу ватанпарварлик ҳаракати гўлқинини янада кучайтириб юборди.

«...Машиналардан ғоят унумли фойдаланиш — пахта териш муддатларини қисқартиришнинг ҳал қилувчи шарти... Машина пахта далаларида актив қўлланилаётганлиги ва пахтакорларнинг огир меҳнати тобора енгиллашиб бораётганлиги қувончли бир ҳолдир». Ўртоқ Л. И. Брежнев мактубидаги ана шу сўзлар бу йилги йиғим-терим мавсумининг характерли белгиси ва жанговар шиори бўлиб қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида ҳамда Марказий Комитетнинг яқинда бўлиб ўтган пленумида республика ташкилотларининг юбилей йили «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этишдаги вазифалари аниқ ва равшан белгилаб берилди. Энди ган — ана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришда қолди.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари пахта меҳри ва ишқи билан яшамоқда. Кексаю-ёш— ҳаммаси нигоҳи пахта сводкасида.

Пахта етиштириш — касби-коридан қатъий назар, республикамиз барча меҳнаткашларининг муқаддас бурчи, совет халқлари олдидаги ватанпарварлик бурчи, қардош социализм мамлакатлари меҳнаткашлари олдидаги шарафли интернационал бурчидир. Бу ишдан ҳеч кимнинг четда туришга ҳаққи йўқ. Юраги пахта ишқи билан ёнаётган ҳар бир кишининг ўрни — жасорат майдони бўлган пахта далаларидир.

Йиғим-терим пахта етиштиришда энг қийин, мураккаб, айни пайтда ҳал қилувчи якунловчи жараёндир. Яқин вақтларгача бу машаққатли жараён уч-тўрт ойлаб давом этар, қишлоқ меҳнаткашларигина эмас, шаҳарликлар, студентлар, ўқувчилар ҳам бу ишга оммавий жалб қилинардн. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги, ишчилар синфи, конструктор ва олимларнинг куч-ғайрати, республика партия ташкилотининг бевосита раҳбарлиги туфайли пахта йиғим-терими комплекс механизациялаштирилди. Ҳозирги кунда ўттиз бир минг «зангори кема» пахтакорларга қудратли қанот бўлмоқда. Шу туфайли терим суръатлари жиҳатидан деҳқончилигимиз тарихида мисли кўрилмаган чўққиларни эгалламоқда.

Мана, бир неча кундирки, Ўзбекистон пахтакорлари тайёрлов пунктларига кунига йиллик планнинг 3,6—3,7 процентн миқдорида «оқ олтин»ни етказиб бермоқдалар. Ўтган куни республикамиз бўйича 202 минг 380 тонна пахта тайёрланиб, бу соҳада рекорд кўрсаткичга эришилди. Бундай қувончли натижаларга Ўзбекистон партия ташкилотининг меҳнаткашлар орасида олиб бораётган катта ташкилотчилик, сафарбар этувчилик ва сиёсий-оммавий ишлари туфайли эришилмоқда.

Бу йилги пахта йиғим-терими кампанияси ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ва моҳирона олиб борилаётганлигининг яна бир муҳим боиси Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан меҳнат коллективлари орасида авж олиб кетган умумхалқ социалистик мусобақасининг кенг кулоч ёйганлигидадир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охуновага йўллаган мактуби меҳнат аҳлининг бу ватанпарварлик ҳаракати гўлқинини янада кучайтириб юборди.

«...Машиналардан ғоят унумли фойдаланиш — пахта териш муддатларини қисқартиришнинг ҳал қилувчи шарти... Машина пахта далаларида актив қўлланилаётганлиги ва пахтакорларнинг огир меҳнати тобора енгиллашиб бораётганлиги қувончли бир ҳолдир». Ўртоқ Л. И. Брежнев мактубидаги ана шу сўзлар бу йилги йиғим-терим мавсумининг характерли белгиси ва жанговар шиори бўлиб қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида ҳамда Марказий Комитетнинг яқинда бўлиб ўтган пленумида республика ташкилотларининг юбилей йили «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этишдаги вазифалари аниқ ва равшан белгилаб берилди. Энди ган — ана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришда қолди.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари пахта меҳри ва ишқи билан яшамоқда. Кексаю-ёш— ҳаммаси нигоҳи пахта сводкасида.

Пахта етиштириш — касби-коридан қатъий назар, республикамиз барча меҳнаткашларининг муқаддас бурчи, совет халқлари олдидаги ватанпарварлик бурчи, қардош социализм мамлакатлари меҳнаткашлари олдидаги шарафли интернационал бурчидир. Бу ишдан ҳеч кимнинг четда туришга ҳаққи йўқ. Юраги пахта ишқи билан ёнаётган ҳар бир кишининг ўрни — жасорат майдони бўлган пахта далаларидир.

Йиғим-терим пахта етиштиришда энг қийин, мураккаб, айни пайтда ҳал қилувчи якунловчи жараёндир. Яқин вақтларгача бу машаққатли жараён уч-тўрт ойлаб давом этар, қишлоқ меҳнаткашларигина эмас, шаҳарликлар, студентлар, ўқувчилар ҳам бу ишга оммавий жалб қилинардн. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги, ишчилар синфи, конструктор ва олимларнинг куч-ғайрати, республика партия ташкилотининг бевосита раҳбарлиги туфайли пахта йиғим-терими комплекс механизациялаштирилди. Ҳозирги кунда ўттиз бир минг «зангори кема» пахтакорларга қудратли қанот бўлмоқда. Шу туфайли терим суръатлари жиҳатидан деҳқончилигимиз тарихида мисли кўрилмаган чўққиларни эгалламоқда.

Эндиликда сентябрь ойи пахта йиғим-теримида ҳал қилувчи, зарбдор ой бўлиб қолди. Бугунгача Ватан омборига топширган «оқ олтин»имиз 2,5 миллион тоннага етай деб қолди. Вазифа — шу ойнинг қолган ганимат кунларида терим суръатларини янада ошириб, СССР Олий Советининг мамлакат Асосий Қонунини қабул қиладиган сессиясига муносиб армуғон ҳозирлашдан иборат.

Ганимат кунлар ўтиб бормоқда. Ёғин-сочинли кунлар узоқ эмас. Суръатни жиндек бўшаштирган хўжаликлар ўша кунларга бориб аттанг деб қолишади. Ҳозир бир кунда эришилган суръатни ёғин-сочинли кунларда ҳафтада, ўн кунда ҳам қўлга киритиб бўлмайди. Машина теримига ажратилган майдонларнинг ҳосилини вақтида йиғиштириб олган деҳқон ютади.

Йиғим-теримни жадаллаштириш, машина терими салмоғини ошириш, кўп минг килограммчилар мусобақасини кенг авж олдириш юбилей йили «оқ олтин» хирмонини бунёд этишнинг энг муҳим шартидир.

Оммanинг жанговар стакчилари бўлган партия ташкилотлари пахта терими умумхалқ иши эканлигига асосланиб, меҳнатга қобилиятли ҳар бир кишн деҳқонларга мумкин қадар кўпроқ ёрдам кўрсатишига, ҳосил йиғим-теримида фаол қатнашишга эришишлари лозим. Коммунист ва комсомоллар умумхалқ мусобақасининг дарғаларн бўлишга даъват этилгандирлар. Улар улкан социалистик мажбуриятни — 5 миллион 360 минг тонна «оқ олтин» хирмони уйилди деб Ватанга, жонажон Коммунистик партияга ғалаба рапорти бериладиган кунни яқинлаштириш учун жонбозлик кўрсатишлари зарур.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ



● САМАРҚАНД

— Ҳаммамизнинг дилимизда пахта ишқи қайнаб тошяпти. Бу бежиз эмас. Улуғ Октябрнинг 60 йиллик байрами яқинлашяпти. Байрамга муносиб тўёналар билан бориш халқимизнинг азалий удумидир. Совхозимиз йиллик пахта тайёрлаш планн ва социалистик мажбуриятини ўтган йилдагидан йигирма кун олдин бажаришга, тонналарни кўпайтириб, сортни яхшилашга азму қарор қилди. Бу умумхалқ курашида биз механизаторлар байроқдор бўлишимиз керак.

Пайариқ районидаги «Пайариқ» совхозининг механизатори Сонб Бекназаров шундай дейди. Ҳақиқатда хўжалик механизаторлари пахта йиғим-теримида илғорликни таъминлаяпти. Ишга туширилган ҳамма машиналар кунлик графикни бир ярим-икки ҳисса қилиб бажаряпти. Сонб Бекназаров қисқа фурсатда машинада 150 тонкага яқин пахта терди. Машинанинг кунлик иш унуми 10-12 тонналдан 14-15 тоннага кўтарилди. Бошқа механизаторлар ҳам графикларини анча ошириб адо этмоқдалар.



● АНДИЖОН

Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозининг механизатор бригадири Абдуфаттоҳ Солиев ҳикоя қилади:

— Мен бошчилик қилаётган бригада машиналар шарофати билан йиллик пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини беш иш кунида бажарди. Тайёрлов пунктига жўнатилган 266 тонна пахтанинг 90 процентн бункерлардан тўкилди. Энди социалистик мажбуриятни бажариш учун кураш бошладик. Машиналар тўхтовсиз ишлаяпти, уч-тўрт кун ичида бу масалани ҳам муваффақиятли ҳал этамиз.

Янги терим машинасини синовдан ўтказяпман. Инженер-конструкторларимизга раҳмат, «МТЗ-80», «ХН-3-6» машиналари жуда серунум ишлаяпти. Ҳар куни 25 тоннадан пахта теряпман. Ҳозир рақамлар соат сайин ўзгаряпти. Лекин мавсум бошидан буён 215 тонна пахта терганимни қувонч билан айтиб ўтаман. Бу рақамни тезда-ёқ 300 тоннага етказиб, 650 тонна пахта териш ҳақидаги мажбуриятимни бажариш учун бутун куч-ғайратимни сарфлайман.



● СИРДАРЁ

Кирман Дадаев ўттиз йилдан буён механизаторлик қилади. Ҳар йили машинада 180-200 тониадан пахта терib, йиллик планнинг муддатидан илгари бажарилишига муносиб ҳисса қўшиб келади.

К. Дадаевнинг юбилей йилидаги мажбурияти ундан олдинги йиллардагига нисбатан анча юқори, у мавсумда 250 тонна пахта териш учун курашмоқда.

— Деҳончилик йилдан-йил фарқ қилади, — дейди механизатор, — далаларимизда бу йилгидек юқори ҳосил етиштирилганини эслай олмайман. Иссиғ қилмай йиғиб-териб олсак (шундай қиламиз, албатта). «Коммунизм» колхози Комсомол районидагина эмас, балки Сирдарё областида ҳам илғор ўринлардан бирини эгаллаши шубҳасиз. Бунинг учун биз механизаторлар фидокорлик билан ишлашимиз керак. Ҳозир районимизда, қолаверса, бизнинг колхозимизда ҳам кунига ҳар бир машина билан камида 14-15 тонна пахта териш мусобақаси кучайиб кетди. Мен ҳам шу мусобақага қўшилдим.



● ТОШКЕНТ

Тошкент области кунлик пахта тайёрлашда энг юқори кўрсаткичларга эришяпти. Бунга сабаб шуки, мириштор деҳқонлар терим техникасидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш услубини тўла эгаллаб олдилар. Областнинг қатор районлари, колхоз ва совхозларида теримда қўл кучи ишлатилмасдан фақат машиналар кучидан фойдаланилмоқда, механизаторлар эса зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлаб, хирмонларни «оқ олтинга тўлдирмоқдалар.

Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхозининг механизатори Ғаймол Эгамбердиев шижоатли дала гвардиячиларидан ҳисобланади. У терим суръатини кунига 14-15 тоннага кўтарди. Мавсум нормасини 20 иш кунида бажармоқчи. Бу хирмонга бункерлардан 200 тонна дурдона тўкилади, демакдир.

Колхознинг барча механизаторлари ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унумини ўтган йилдагига нисбаган камида 25 процент ошириш учун курашяпти.

Бухоро область, Ғиждувон районидаги Калинин номли колхозининг Ҳошим Қудратов бошлиқ механизаторлар звеноси дала гвардиячилари мусобақасида ғолиб чиқди. Колхоз раиси Саломат Ғаниева мусобақа ғолибларига кўчма вимпель топширмоқда.

Ш. Иброҳимов фотоси, (ЎзТАГ).

СОВХОЗ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ЧИРОҚЧИ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). «Ўзбекистон Компартияси» совхози меҳнаткашлари 830 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 21 центнердан пахта териб олиб, халқ хўжалик планини оширишга бажардилар. Пахтакорлар қабул пунктига 1800 тоннадан ортиқ қимматбаҳо хом ашё етказиб беришди. Ҳосилнинг 70 процентн терим машиналари бункеридан тўкилди.

Хўжалик пахтакорлари ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиб, республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига салмоқли ҳисса қўшиш мақсадида меҳнат қиляптилар.

П. ГАДОЕВ.

ИРРИГАЦИЯ ҚУРИЛИШЛАРИДА

УРГАНЧ. (Телефон орқали олинди). «Хорезмводстрой» трестига қарашли Тошсоқа механизациялаштирилган кўчма колоннасининг коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган мажбуриятини бажарди. Беш йиллик бошидан буён пландан ташқари 2 миллион сўмлик қурилиш ишларн амалга оширилди. Механизаторлар юбилей йили охиригача уч йиллик программани адо этишга аҳд қилдилар.

Трест Туямўйин гидроузелининг секундига 500 кубометр сув ўтказа оладиган чап соҳил канали қурилишини, Хазорасп районида янги ерларни ўзлаштиришни жадал суръатлар билан олиб бормоқда. Механизаторлар ғоят унумли фойдаланилмоқда. И. Машарипов бошлиқ землесос бригадаси мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Бу бригада кўпдан буён 1978 йилнинг ноябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Р. Алиаскеров бошлиқ земснаряд экипажи бу бригададан атиги бир ой орқада қолмоқда.

БРИГАДАЛАР РАПОРТИ

Хўжаобод районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг Раҳмжон Каримов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари 40 гектар адир ердан 33 центнердан ҳосил кўтардилар.

Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхозининг Иброҳимжон Юсупов бошлиқ бригадаси ҳам маррага етди.

Т. ТОШЛОНОВ.

АҚШДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

АҚШ уй-жой қурилиши ва шаҳарларни ривожлантириш министри П. Р. Харрис хоним бошчилигидаги Америка делегацияси Ўзбекистон билан танишиб бўлди. Меҳмонлар Самарқандга бориб, у ердаги тарихий ёдгорликларни, қадимий шаҳарнинг янги қурилишларини кўздан кечирдилар.

24 сентябрь куни П. Р. Харрис ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасини, Давлат санъат музейини бориб кўрдилар. Ўзбекистон пойтахтининг янги қурилиш районлари билан танишдилар (ЎзТАГ).

ҒАЛЛА—ДАВЛАТГА

ЛИТВА ССРнинг қишлоқ меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга оширa бориб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар ва давлатга ғалла сотиш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 300,6 минг тонна ғалла топширилди.

* * *

БЕЛОРУССИЯ қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, донли экинларни экиш ва уларни парвариш қилиш ишларининг бутун комплексини энг яхши муддатларда сифатли ўтказдилар, етиштирилган ҳосилни ўриб-йиғиб олдилар ва давлатга ғалла сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Республика хўжаликларидан давлат омборларига 1 миллион 386 минг тонна дон топширилди.

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борishи тўғрисида шу йил 24 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	6,02	60,83	5,60	63,60
Бухоро	3,47	59,20	4.51	43,41
Фарғона	3,30	51,40	4,04	38,46
Қашқадарё	3,33	50,00	3,48	38,78
Андижон	3,47	42,91	4,20	26,53
Жиззах	4,12	42,83	5,17	53,05
Наманган	3,70	42,81	4,25	32,66
Сирдарё	4,42	41,05	5,28	47,18
Самарқанд	4,16	38,52	4,91	30,18
Сурхондарё	2,61	37,60	3,63	38,11
ҚҚАССР	3,99	35,93	3,81	26,45
Хоразм	3,49	34,83	3,44	21,72
Республика бўйича:	3,78	45,27	4,41	38,63
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Бухоро	2,00	31,73	—	—
Наманган	2,19	28,92	—	—
Қашқадарё	1,99	26,34	—	—
Сурхондарё	1,68	23,84	—	—
Республика бўйича:	1,81	25,28	—	—

„Оқ олтин“ меҳри

Барот БОЙҚОБИЛОВ,

Баланд тоғлар қоясидан
сойлар оқар хирмонн,
Булбулларнинг навосидан
маст бўлиб боқар жайрон.
Булоқларнинг қирғоғида
чинорлар сураб хабл,
Дараларнинг қучоғида
дуторни чертар шамол.
Завқ-тераннум кезидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Оқ булутлар пага-пага,
офтобга тортар ҳарир,
Қушлар излаб бир қўналға
кўкда учар бесабр.
Куз кўзғалар болишидан,
ҳавода ўйнар мезон.
Турналарнинг нолишидан
парзага келар осмон,
Узнинг сўнгги изидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Томиб турар шарбату бол
сахий боғлар тилидан.
Тил ёрилар есанг хнёл
меваларнинг селидан,
Полиз оғзи қулоғида
қовунга урсанг чақмоқ.
Тарвузларнинг қучоғида
базм қурар қизғалдоқ.

Олтин фасл юзидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Пахтазорда мисли бодрок
чаноқлар кулар хандон,
Чаноқларга боқиб муштоқ
яраклаб турар осмон.
Кўтаролмас кўсагини
шохи ларзон ғўзалар —
Гўё очиб юрагини
боқар олтин кўзалар.
Далалар нон-тузидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Кумуш тоғлар қоясини
тонг билан кўзлар деҳқон.
Тарк этиб тут соясини
офтобга кезар деҳқон.
Пахтазорга бўлиб посбон
тўкар манглай терини,
Олтин қўлга этар эҳсон
чаноқлар ҳам кўрини.
Деҳқонининг ризқ-рўзидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Айлаб гўё сайри уммон
сузар зангор кемалар,
Елкасида урар жавлон
сандиқ тўла сийму зар
Сиймү зардан бўлур бино
тоғ-тоғ кумуш хирмонлар,
Мулки борлиқ ундан рўшно,
ёғду сочар армонлар.
Шарқнинг сепли қизидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Қишлоқ йўлин безар бугун
турнақатор карвонлар,
Гўё дарё урар тўлқин —
бағрида зўр туғёнлар
Қалбни-қалбга этиб пайванд,
ҳамдастдир ишчи-деҳқон.
Ким элнга содиқ фарзанд —
пахта деб фидойи жон.
Юртнинг юрак сўзидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Ҳамма бўлиб бир жону тан
пахтазорга парвона.
Қучоғида мисли чаман
жилва қилар дурдона
Бутун бир эл хаёлида
«оқ олтин» меҳри яшар.
Бутун бир эл иқболида
кун бўлиб пахта болқар.
Халқининг ёруғ юзидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

ВАШИНГТОНДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ВАШИНГТОН. 24 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А Громико Оқ уйда АҚШ Президенти Ж. Картер билан учрашди.

Амалий руҳда ўтган батафсил суҳбат чоғида Совет-Америка муносабатларининг умумий аҳволи ва бу муносабатларнинг истиқболларига оид масалалар кўриб чиқилди. Ҳар иккала томон бу муносабатларни икки мамлакат халқлари ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида яхшилаш зарур эканлигига ишонч изҳор этди.

* * *

А. А. Громико билан Ж. Картер стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида янги битим тузиш билан боғлиқ масалалар ҳусусида атрофлича фикрлашиб олишди. Қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланишга. Яқин Шарққа ҳамда иккала томонни қизиқтирувчи бошқа баъзи халқаро проблемаларга тааллуқли бир қанча масалалар ҳам тилга олинди.

Суҳбатда Совет томонидан — СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. М. Корниенко. СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добрынин; Америка томонидан — АҚШ вице президенти У. Мондейл, давлат секретари С. Вэнс. Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжезинский. АҚШнинг СССРдаги элчиси М. Тун ва ҳар иккала томонидан бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

* * *

ЮПИ агентлиги хабар қилади: Президент Картер учрашув чоғида А. А. Громикога қуйидагиларни айтди: «Сиз менинг саломимни Л. И. Брежневга етказишингизга ва яқин келажакда биз бир-биримиз билан шахсан танишиб олишимизга ишонаман». Картер яна шуни маълум қилдики, олти йиллик муддат билан янги битим тузишга таалдуқли музокаралар давом эттирилаверади, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида тузилган муваққат битимнинг шартларига Қўшма Штатлар амал қилаверади. «Биз баъзи бир битимларга эриша олишимизга ишонаман», — деб илова қилди у.

* * *

А. А. Громико билан С. Вэнс СССР билан АҚШни қизиқтирувчи қўпгина масалалар юзасидан кеча музокараларни давом эттирдилар.

Уларнинг назбатдаги учрашуви келгуси ҳафта Нью-Йоркда ўтказилажаги тўғрисида келишиб олинди.

МЕХАНИЗАТОРЛАР—ЙИҒИМ-



ЗАФАР МАНЗИЛИ САРИ

Ташаббускор Дўстлик райондаги Ленин номли совхоз пахтакорлари кўпилей йилда она-Ватанга пландаги 12500 тонна ўрнига 17 минг тонна «оқ олтин» топшириш, ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришга қарор қилганлар. Йиғим-теримни тез муддатларда тамомлаш учун барча тадбирлар ишлаб чиқилиб, тўла амалга оширилмоқда. Ҳозир далаларда 140 та терим агрегати унумли ишлатилаётганлиги натижасида ҳар куни 7-8 процентдан пахта топширилмоқда. Пахта тайёрлаш йиллик плани 80 процентга яқинлашиб қолди.

Хўжаликда социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган ва ҳар беш кунда якунланиб турилади. Бунда учинчи, тўртинчи ва бешинчи бўлимларнинг заршунослари пешқадамлик қилишаётир. Совхоз бўйича мусобақа голиби Номоз Холиқов бошқарувчи бўлган 3-бўлим пахтазорларида 17 та терим машинаси юксак унум билан ишлатилмоқда.

Шу бўлимнинг Қудрат Сафаров бошлиқ 2-бригадаси аъзолари беш иш кунида зафар қучдилар. Улар 83 гектар майдоннинг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 28 центнердан хирмон кўтаришди. Бутун куч ва имкониятлар 45 центнерлик маррани эгаллашга сафарбар этилган. Бригаданинг дастлабки галабасида С. Холиқов, Ж. Шарипов, Қ. Абдурасулов, А. Халилов, И. Жалилов ва шулар сингари механизаторларнинг ҳиссалари катта бўлди. Дала гвардиячиларининг ҳар бири ҳозиргача 120-130 тоннадан пахта териб бердилар.

Чўл дурдонаси пахта пунктларига пешма-пеш етказилаётир.

Т. УНАБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Фарғона районидаги Ленин номли колхознинг механизаторлари мавсумда камида 250 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишган. Илғорлар тажрибасини оммалаштираётган агитаторлар ўзларининг жанговар сўзлари билан пахтакорларни янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқдалар. Суратда: Чекшўра қишлоқ Советининг раиси агитатор Ҳалима Хўжақулова йиғим-терим транспорт отряди аъзолари ўртасида суҳбат ўтказмоқда.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ТАРБИЯГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

СЎЗНИНГ МАЪНОСИГА БОҚ

«Лектор иштирок этган кеча» мақоласини («Правда»нинг 30 июль сони) лоқайдлик билан ўқиб чиққан лектор топилмаса керак. Мақолада лекцияларнинг оммавийлиги пасайиб кетганлиги тўғрисидаги фикрлар ҳар ҳолда баъзи коллективларда учраб туриши ҳақида гап борган эди. Лекин мен бундай фикр лекторлик ишига лекцияларда нималар тўғрисида ғапирилганлиги эмас, балки қанча лекция ўқилганлигига қараб баҳо берадиган жойларда кўпроқ учраб туради, деган бўлур эдим.

Яхшиси, жонли мисолларга мурожаат қилайлик. Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институтининг олимлари, техника фанлари кандидатлари Ғ. Обидов билан И. Табакман «Ангренский» кўмир разрези ишчи ва хизматчилари ҳузурига келишди. Қўшни Қалмоққир карьерида жорий этилган кончилик-транспорт ишларини автомат бошқариш системасининг авторлари бўлмиш бу таниқли мутахассислар Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган лекториининг навбатдаги машғулотида гапиришга таклиф этилган эдилар. «Олтмиш йил ичида СССР кончилик саноатида фан-техника тараққиёти» ва «Кўмир саноатида автоматлашган бошқариш системаларини жорий этиш проблемалари» мавзуларида ўқилган лекциялардан сўнг олимлар саволларга кўмиб юборилди. Тингловчиларни ҳозирги роторли экскаваторларнинг иш кўрсаткичлари ҳам (разрезда бундай экскаваторлар жорий этила бошланяпти), Ватанимизда ва чет элларда ишланган бошқа хил янги кончилик машиналари ҳам, бизда ва бошқа мамлакатлардаги очиқ кончилик ишларида автомат бошқариш системаси ҳал этаётган вазифалар ҳам қизиқтирарди.

Бу коллективда ёрқин, мазмунли лекцияга қизиқиш тасодифий ҳол эмас. Бу ерда лекция пропагандаси масалалари доимо партия комитетининг диққат марказида туради. Унинг мажлисларида партия комитети лекторлар группаси билан «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг фаолияти мунтазам равишда кўриб чиқилади, лекцияларнинг тематик йўналиши ва ғоявий-назарий савияси муҳокама қилинади. Бундан икки йил аввал партия комитети «Бош мутахассислар, участка, цех ва хизмат бошлиқларининг лекция пропагандасида қатнашуви тўғрисида» қарор қабул қилди ва уни амалга ошириш борасида кўп ишларни бажарди. Разрез бошлиғи Я. Гринблат, бош инженер Ю. Антипин, бош технолог В. Скрыльников, участка раҳбарлари А. Хрусталев, И. Хорошилов ва бошқалар актив, кишини қизиқтирувчи лекторлар эканликларини кўрсатдилар.

Партия комитети пропаганда формаларининг ўзини ҳам хилма-хил қилишга интилмоқда. Тематик лекторийлар, савол-жавоб кечалари, лекторларнинг коллектив бўлиб чиқишлари, илмий-практик конференциялардан яхши фойдаланиляпти. Ишлаб чиқариш илғорларидан — машинистлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Алиқулов ва А. Волков тажрибалари кенг кўламда пропаганда қилинмоқда. Бу ерда лекторлар тайёрлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Снёсий маориф кабинети ҳузуридаги кутубхонада бўлимлар ва темалар бўйича адабиёт, газеталардан қирқимлар, журналларнинг подшивкалари танлаб олинган. Диапозитивлар, грампластинкалар, диафильмлар, бошқа техника воситалари лекторлар хизматида. Корхона меҳнат шон-шуҳрати музейининг материалларидан кенг фойдаланиляпти.

Хўш, шу ишларнинг таъсири қандай бўляпти? Лекциялар кишиларнинг ижодий активлиги ўсишига кўмак беряптими? Ҳамманинг эътироф этишича, жуда яхши ёрдам беряпти. Бултур разрез коллективи пландан ташқари 165 минг тонна кўмир берди. Кўмир қазувчилар бу йил ҳам яхши ишлаяпти. Меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг фонд самараси, рентабеллиги ўсмоқда. Ўйлаймизки, шу ютуқларнинг ҳаммасида лектор, агитатор, пропагандист каби идеология ходимларининг ҳам муайян ҳиссаси бор.

Областда лекция пропагандаси яхши йўлга қўйилган жойлар оз эмас. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, тепловоз-вагон ремонт заводи ва кабель заводи, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози ва Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози экономика ва фан-техника билимларини, илғор тажрибаларни пропаганда қилишга зўр эътибор бермоқдалар. Идеология ишининг жорий ва перспектив планлари ишлаб чиқаришнинг вазифалари билан, социал тараққиёт планлари билан чамбарчас боғлиқ суратда ғузилмоқда.

Шундай бўлсада, областда лекция пропагандаси ҳамма ерда ҳам ҳаётга яқин ва коллективларнинг ишига тегишли таъсир кўрсатяпти, деб бўлмайди. Мисол учун, Тошкент экскаватор заводини олиб кўрайлик. Бултур бу ерда 200 га яқин лекция ўқилди. Лекин буларнинг ҳаммаси умумий характерда бўлиб, «ялпи» проблемаларга тааллуқли эди ва корхонанинг конкрет вазифалари билан яхши боғланмаганди. Бундай лекциялар тегишли самарани бермади ва бериши ҳам мумкин эмас эди.

Нега шундай бўлиб чиқяпти? Шунинг учунки, завод партия комитети ҳар бир айрим коллективга, унинг олдида турган вазифаларни назарда тутган ҳолда, қандай лекциялар кераклиги ва шу лекцияларни ўқишни кимларга топшириш кераклигини анализ қилиб кўрмайди. «Сон орқасидан» қувиб, темалар юзаки танланмоқда. Бундай ҳолларда аудитория у ёқда турсин, лекторларнинг ўзида ҳам қизиқиш йўқолади. Заводдаги «Билим» жамиятининг 20 дан ортиқ аъзоси — билимдон мутахассислар амалда лекция ишидан ўзларини четга олганлар.

«Ангренский» кўмир разрезидаги каби бу заводда ҳам новаторлар, ишлаб чиқариш илғорлари оз эмас. Токарлар Р. Йўлдошев, Г. Волков, слесарь В. Азимхўжаев, қолипловчи С. Ким ва бошқалар шулар жумласидандир. Лекин уларнинг орттирган тажрибалари кенг ёйилмаяпти. Ҳолбуки, бундай тажрибалар пропагандаси бу ерда ғоятда наф келтирган бўлур эди. Бултур завод пландагидан 56 та кам экскаватор берди, бу йил ҳам иши дуруст эмас.

Келтирилган бу мисол СССР касаба союзларининг XVI съездида ўртоқ Л. И. Брежнев: «жамоат ишига... аниқ снёсий йўналишига, ишчанлигига, амалий натижаларига қараб — ана шу мезонларга қараб баҳо бериш мумкин ва лозим» деб айтган сўзларнинг тўғрилигини яна бир карра тасдиқлайди.

Таъсирчанликнинг сири оддий: тингловчилар учун ҳар бир лекция, суҳбат узоқ вақт эсда сақланадиган воқеа бўлиб қолмоғи керак. Областда мана шу қийин ва олижаноб фаолиятга майл сезган юзлаб лекторлар ҳам шу фикрдадирлар. Корхоналар ва колхозларда академиклар В. Қобулов ва В. Шчеглов, профессорлар Б. Лукин, Р. Аминова, доцентлар Ш. Яҳёев, Э. Хайитбоевларнинг лекцияларини ҳамиша сабрсизлик билан кутишади.

Хўш, бу кишилар ўқийдиган лекциялар мазмун бўлишининг боиси нимада? Боиси шундаки, ҳар бир лекция пухта ўйлаб тайёрланади, унда ўнлаб манбалардан олинган маълумотлар келтирилади. Улар ўқиган ҳар бир лекцияда жуда катта меҳнат, юксак савиядаги салоҳият, чуқур ғоявий эътиқод бор.

Афсуски, бундай масъулият билан қарамайдиган, ўз лекцияларининг тарбиявий, эмоционал таъсири тўғрисида қайғурмайдиган лекторлар ҳам учрайди. Эҳтиросиз, қуруқ, юзаки лекциялар мана шундан келиб чиқади, шунинг оқибатида баъзи тингловчиларни лекция залига зўрлаб бўлса ҳам келтиролмайсиз. Бўлиб ўтган бир воқеа эсга тушади. Тошкентдаги коллективлардан бирида «Билим» жамиятининг аъзоси Г. Горлов лекция ўқиди. Унинг лекцияси жуда бўш чиқди, бунинг устига бир қанча хато фикрлар, мужмал гаплар айтилди. Шунда рецензент лектор ёнига келиб, ўз мулоҳазаларини айтганида, у уялмай-нетмай: «рецензент келишини билганимда, яхшироқ тайёрланган бўлур эдим» деса бўладими. Ўз билимини тўлдиришга тўғрисида қайғурмайдиган, тингловчиларни ҳурмат қилмайдиган бундай лектор деб аталмиш кишилар, аслида, бизнинг лекция пропагандамизга «қош қўяман деб кўз чиқаряптилар».

Бундан хулоса шуки, лекторларга кўпроқ талабчанлик билан қараш, ҳар бир лекция учун уларнинг масъулиятини ошириш зарур. Ҳолбуки, лектор ва пропагандистларнинг район, шаҳар партия комитетлари ўтказиб турувчи семинарларида нима учундир бу ҳақда оғиз очилмайди. Бу гаплар ўз-ўзидан англашилари дейилса керак. Агар шундай англашилари бўлса, бунинг натижаси ҳозирча ҳамма учун баравар эмаслигини кўриб турибмиз.

Яна бир жиддий камчилик шуки, баъзи коллективларда ҳар бир партия, касаба союз, комсомол ташкилоти, «Билим» жамияти ташкилотлари лекция пропагандасини ўз плани бўйича олиб боришга интиляпти. Кучқувватнинг сочиб юборилиши, темаларни танлаб олишда кераксиз такрорийлик, тасодифлар мана шундан келиб чиқади. Бу ерда проблемани ҳал этиш калити комплекс ёндашувда, идеологик тадбирларни координациялашдадирки, партия Марказий Комитети Орск шаҳар партия ташкилоти тўғрисида қабул қилган қарорида буни бизга яна бир карра эслатди.

Партия, комсомол комитетлари, «Билим» жамияти ташкилотлари ходимларининг яқинда бўлиб ўтган семинар-кенгашида область партия комитети КПСС XXV съездининг қарорлари асосида лекция пропагандаси самарадорлигини ошириш йўлларини синчиклаб анализ қилди. Лекторларга талабчанликни жиддий равишда ошириш зарурлиги қайд этилди. Биз лекторларнинг лекцияларини мунтазам равишда тинглаб бориб, кейин илмий-методик кенгашларда, семинарларда уларни муҳокама қилишни, лекторларнинг билим ва қобилиятларини синчиклаб текширишни одат тусига киритиш ҳаракатидамиз. Партия комитетларига ҳар бир меҳнат коллективида лекция пропагандасининг ягона планларини ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Область партия ташкилотлари Октябрнинг 60 йили мабойида Советлар мамлакати эришган ютуқларни, КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми материалларини, СССР Конституциясининг лойиҳасини чуқур пропаганда қилаётган ҳозирги пайтда Белгиянинг ҳаммаси алоҳида аҳамият касб этади. Келгусида СССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессияси материалларини, давлатимиз янги Асосий Қонунини, юбилейга бағишланган материалларни пропаганда қилишдек янада масъулиятли вазифалар турибди.

Ижодий изланишлар бизга лекция пропагандасининг энг самарали шаклларини кўрсатмоқда. Коллективларда В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали базасида Октябрга бағишлаб ўтказилган лекциялар, КПССнинг ички ва ташқи сиёсати проблемаларига, Конституция лойиҳасининг бўлимларига бағишлаб ўтказилган лекциялар туркуми, савол-жавоб кечалари манзур бўлди. Орттирилган тажрибалар лекция пропагандамизни бойитади, унинг самарадорлигини оширувчи муҳим омил бўлиб қолади.

С. РИЗАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети лекторлар группасининг раҳбари.

(«Правда», 23 сентябрь).

ХИЗМАТИНГДАМИЗ, АЗИЗ ПАХТАКОР

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

А. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги даволаш бош бошқармасининг бошлиғи, медицина фанлари кандидати.

— Далаларда қизғин дамлар бошланди. «Олтин қўлли» пахтакорларимиз самарали меҳнат билан етиштирилган «оқ олтин»ни тез ва соз териб олиш учун жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ана шундай долзарб кунларда инсон саломатлигининг посбонлари бўлган шифокорлар ҳам ўз иш жойларини пахтакорлар ҳузурига кўчиришган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларининг 1977 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида»ги қарори асосида республика Соғлиқни сақлаш министрлиги аниқ тадбирлар белгилади. Бунда дала меҳнаткашлари соғлигини муҳофаза қилиш биринчи галдаги вазифа сифатида қайд этилди.

Пахтакорларга тез ва малакали медицина хизмати кўрсатиш мақсадида бу масъулиятли ишга 15 та медицина илмий-текшириш институти ва 5 та медицина олий ўқув юртининг етакчи мутахассислари сафарбар этилган. 440 нафар олий ва 580 нафар ўрта махсус маълумотли шифокорлар бевосита дала шийпонларида дала меҳнаткашларига тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар. Республикамиздаги 134 та марказий район ва 12 та область касалхонаси, 499 та қишлоқ участка шифохонаси ҳамда 465 та фельдшер-акушерлик пункти пахтакорлар хизматида. Ҳозирги кунда 6 мингдан ортиқ врач ва 17 мингдан зиёд ўрта медицина ходими пахтакорлар, механизаторларга тиббий ёрдам кўрсатаётир. Республикамизнинг барча районлари ҳамда йирик колхоз ва совхозларининг марказларида шифокорларнинг махсус бригадалари тузилган. Уларнинг ҳар бирига 9-12 нафар малакали врач бириктирилган. «Тез ёрдам» кўрсатиш учун транспортлар ажратилган. Қишлоқ меҳнаткашлари барча даволаш муассасаларида навбатсиз қабул қилиняпти.

Пахтакорларга қулайлик яратиш мақсадида улар учун 120 та махсус автолавка ажратилган. Областларга шу кунгача 126 мингдан зиёд универсал аптечка тарқатилди. Ҳозирги кунда дала шийпонларининг ҳаммаси ана шундай аптечкалар билан тўла таъминланган.

Касалликнинг олдини олиш ва беморларга ўз вақтида медицина ёрдами кўрсатиш мақсадида 15 минутга санитария пости ишлаб турибди.

Бизнинг мамлакатимизда совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш — қонун билан гарантияланган. Коммунистик партия ва совет ҳукумати соғлиқни сақлаш системасига бўлган диққат-эътиборни йил сайин кучайтирмоқда. Санитария-даволаш муассасаларининг ишларини яхшилаш, бу соҳада меҳнат қилаётган кадрларнинг сафини ўстириш ва малакасини ошириш, янги, замонавий шифохоналар қурилишини ҳар тарафлама кенгайтириш учун ажратилаётган маблағлар йил сайин кўпайтирилмоқда. Биз бундай улуғвор ўзгаришларни ўз шифохонамиз мисолида ҳам очиқ-ойдин кўриб турибмиз.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг физиотерапия касалхонаси Сирдарё областидаги «Ховос» совхози территориясида, қардош Тожикистон ССР билан чегарадош бўлган ажойиб манзилгоҳ — Ховотакнинг қоқ ўртасида жойлашган. Бу касалхона 1971 йили Ховотакнинг шифобахш суви базасида ташкил этилган эди. Ўтган йиллар ичида темир йўлчиларнинг бу ажойиб шифохонаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ўтган йили Ховотак шифохонаси — Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг ягона физиотерапия касалхонасига айлантирилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда шифохонамиз ҳаётида ғоят қувончли воқеа рўй берди. Яқинда бу ерда замонавий усулда барпо этилган 3 қаватли, 100 ўринли физиотерапия касалхонасининг янги корпуси фойдаланишга топширилди. Эндиликда 15 гектарлик майдонга қулоч ёзган шифохона территориясини, кўкка бўй чўзиб, атрофни безаб турган касалхона биносини, янги барпо этилган ёзги кинотеатр, ўйхона ва ошхона, уй-жой бинолари ҳамда бошқа объектлар, гулзор ва дарахтларни кўрган кишининг бахри-дили очилади, ҳаваси келади. Бундан 3-4 йил муқаддам бу ерда асосан оёқ ва бел оғриғи касалликларигина даволанар эди. Янги корпус ишга туширилгандан сўнг эса имкониятларимиз янада кенгайди. Ховотакнинг шифобахш суви, ажойиб об-ҳавоси билан замонавий медицина препаратлари ҳамда дори-дармонларидан самарали фойдаланган ҳолда эндиликда бу ерда оёқ ва бел оғриғи, ошқозон-меъда, жигар, ўт қопи, буйрак, юрак-қон томир касалликларини ҳам муваффақиятли даволаётирмиз. Ҳозир 10 турдаги энг замонавий препаратлар ёрдамида малакали шифокорларимиз оёқ ва бел оғриғи касалликларининг барча кўринишларига даво топмоқдалар. Шу ўринда Ховотакнинг табиий шифобахш сувининг хосиятига ҳам икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ерда 1500 метр чуқурликдан 55-60 градус иссиқликда чиқаётган маъдан суви республикамиз ҳамда Иттифоқимиздаги энг яхши шифобахш сувлардан қолишмайди. Олимларимизнинг дастлабки тадқиқотларига қараганда, Ховотак суви азот, натрийхром, кўмир ангидрид, кислород, метан, йод, бром, барий сингари фойдали элементларга бой. Сувнинг кимёвий таркиби йил бўйи деярли ўзгармайди ва турли касалликларга шифо бахш этади.

Ховотак физиотерапия касалхонасининг ташкил топганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо шунга қарамай шифохона шуҳрати атрофга ёйилмоқда. Бу ерга Ўрта Осиё республикаларининг турли шаҳарларида меҳнат қилаётган темирйўлчилар келишиб ўз дардларига даво топмоқдалар. Ҳамда шифохона, шифокорлар шаънига илиқ сўзларни ёзиб қолдирмоқдалар. Биргина шу йилнинг ўзида 1000 дан орти темирйўлчи Ховотакда ўз соғлигини мустаҳкамлаб қайтди.

Мазкур шифохонанинг истиқболи янада порлоқ. Шу беш йилликнинг охиригача яна 100 ўринли янги корпус барпо этилади ҳамда 50 ўринли тери касалликлари даволанадиган бўлим очилади. Умуман, 1980 йилга бориб Ховотакдаги физиотерапия касалхонасидаги ўринлар сони 250 тага етказилади. Булардан ташқари касалхона территориясида 300 ўринли қишки кинотеатр, боғлар боғчаси ва 8 йиллик мактаб, уй-жой бинолари қурилади, шифохона территорияси янада кўкаламзорлаштирилади ва ободонлаштирилади, даволаш-профилактика ишлари кенгайтирилади.

Серқуёш республикамизда ва буюк Иттифоқимизда қанчадан-қанча ана шундай шифобахш сувларнинг манбалари борлиги кўпчиликка маълум. Шунингдек, ҳали қидириб топилмаган ва фойдаланилмай ётган манбалар ҳам оз эмас. Шуларни пазарда тутган ҳолда мен СССР янги Конституцияси лойиҳасининг 42-моддасидаги совет кишисининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш шартларини белгиловчи вазифалар қаторига: **«ер ости шифобахш сувларини қидириб топиш ва улар базасида янгидан-янги санитария-даволаш муассасалари қурилишини мунтазам кенгайтира бориш билан»** деган сатрларнинг ҳам қўшиб қўйилишини таклиф этаман.

С. ТУРАҚУЛОВ,
Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига қарашли физиотерапия касалхонасининг бош врачи.

СИЁСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ ЧОП ЭТДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкийнинг «КПСС XXV съезди социалистик ҳаёт тарзини такомиллаштириш ва янги кишини камол топтириш тўғрисида»ги китобини чоп этди. Китобда Украина партия ташкилотларининг шу масала борасида олиб борган ишларининг кўп қиррали тажрибаси умумлаштирилган.

* * *

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Ю. В. Андроповнинг «Коммунистик эътиқодлилик — янги дунё бунёдкорларининг буюк кучи» мавзуидаги докладининг текстини кўп нусхада китобча қилиб чиқарди. (ТАСС).

БУГУН — МАШИНАСОЗЛАР КУНИ

МАШИНАЛАРНИ ҚАДРЛАЙЛИК

Республикамиз машинасозлари ўз байрамларини ажойиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар. Пахтакор диёримизнинг кўп тармоқли машинасозлиги қишлоқ хўжалиги учун серунум механизмлар яратиш етакчи ўрин тутади. КПСС XXV съезди делегати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Махмуджон Мўйдиновнинг мақоласи «Ташсельмаш» коллективининг шу кечакундуздаги фикр-ўйларини ифодалайди.

Ҳар гал шундай бўлади. Сахий куз келиб, ўлкамиз далаларида терим мавсуми бошланиши биланоқ бобо деҳқонлардан тортиб ишчигача, олимдан тортиб конструкторгача — қўйингки ҳамма-ҳамма пахта тақдирини ўйлайди. Ҳамма об-ҳавонинг юзига қараб қолади.

Биз, ишчилар эса шундай кунларда ўзимиз ишлаб чиқарган, эндиликда хўжаликларда пайкал бошида турган терим машиналаримизнинг тақдирини ўйлаймиз. Улар механик-ҳайдовчиларимизнинг кўнглини ранжитмасмикан, бузилиб қолмасмикан, эҳтиётқисмлари етарлимикан, деб ўйлаймиз. Кунига нормадаги пахтани теряптимикан, хирмонга барака киритяптимикан, деймиз. Ахир далаларимизда йилига юзта ёки мингта эмас, ўттиз минг терим машинаси ишлаб турибди. Биз, машинасозларни ташвишга соладиган нарса битта — у ҳам бўлса, ана шу машиналар теримга тахтми, ҳар куни далага чиқиб, пахта тера оладими, ўтган йиллардагидек бир қисм машиналаримиз у ёки бу қисмларн бузилиб, пайкал бошида қолиб кетмайдими, мана шуларнинг ҳаммаси бугунги кунда ҳар бир машинасознинг дилидаги гаплардир. Биз сиз, пахтакорларнинг оғирингизни енгиллатиш учун кўп йиллардан бери тер тўкиб меҳнат қилиб келамиз. Ишлаб чиқараётган машиналаримизни йил сайин такомиллаштириб боряпмиз. Бир-биридан унумдор, бақувват машиналар яратяпмиз. Ҳар терим мавсумига ана шундай қудратли терим агрегатларидан неча мингтасини сизларга жўнатмоқдамиз.

Биз ана шу машиналаримиз пахта пайкалларида мавсум бўйи жавлон уриб ишласа, тинким билмаса деймиз. Минглаб кишилар қўлда терадиган пахталарни шу машиналар териб берса деймиз.

Ўзингиз яхши биласиз, машиналаримиз жон роҳати чиқиб қолди. Уларнинг ҳар бири юзлаб теримчининг ўрнини босмоқда. Бундан ўн йил олдин «ХТ-1,2» терим машиналаримизда 120-150 тонна пахта териш рекорд кўрсаткич эди. Эндиликда-чи! «Ўзбекистон» тўрт қаторли агрегатлари билан мавсумда 600-700 тонна, ҳатто ундан ҳам ошириб пахта тераётган механизаторлар машинамиз довруғини ер юзига ёйишди. Биз эндиликда Турсуной Охунова, Энвер Алиев, Светлана Продан, Тўлан Дадажонов, Бобошер Шовхиев ва бошқа юзлаб механик-ҳайдовчиларнинг номларини ҳурмат билга тилга оламиз. Улар пахтачиликнинг ойдин йўлини очишда байроқдор бўлган механизаторлардир.

Ана шу байроқдорларга эргашаётган юзлаб ва минглаб механизаторлар эса бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигига бир неча юз тоннадан «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олишган. Бу биз учун жуда қувончли. Буларнинг ҳаммаси биз яратган машиналар ниҳоятда қудратли эканлигидан далолатдир.

Лекин бошқа бир нарсадан кўнглимиз тўлмай турибди. Республикамиз пахта далаларида ҳар йили 30 мингдан зиёдроқ терим машинаси ишлаётганини қарамай мавсумда ҳар бир машинанинг ўртача иш унуми 70 тоннадан ошмаяпти. Қанча-қанча машиналаримиз мавсумда 20-30 тонна ҳам пахта теролмаяпти. Кўпгина қудратли машиналаримиз малакасиз механизаторлар қўлига тушиб, бир мавсумдаёқ ишдан чиқмоқда. Биз кутгандек унум бизнан ишлолмаяпти.

Шунинг учун машинасозлар билан механизаторларнинг учрашувлари тез-тез ташкил қилинса, ўзаро фикр алмашилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Яқинда заводимизда янги тайёрланган, қуввати 80 от кучига эга бўлган «МТЗ-80х» тракторига ўрнатилган «ХН-3,6-01 Ўзбекистон» тўрт қаторли машиналарнинг дастлабкиларини республикамизнинг 25 нафар доигдор механизаторига тантаналн топшириш маросими бўлиб ўтди. Шу куни турли область ва районлардан келган механик-ҳайдовчилар корхонамиз цехларида бўлишиб, бу қудратли машиналарнинг қандай яратилиши билан таништидлар.

— Мен заводнинг қуюв цехи ҳамда бош конвейерида, шунингдек, механика цехларида бўлдим, — деди биз билан суҳбатда Тошкент область, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг комплекс механизациялашган звеноси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Энвер Алиев. — Бу ерда дунёга келаётган машиналарнинг ҳар бирн, унинг ҳар бир мурвати ишчилар пешона тери, қалб ҳарорати билан яратилаётганн гувоҳи бўлдим. Ишчи дўстларимиз станоклар қошида турнб, жуда мураккаб деталь ва узелларни дунёга келтираётганини томоша қилдик. Бу машиналарнинг далаларимизга боргандаги тақдирини ўйладим. Кимки ўзини ҳақиқий механизатор деса, бу ерга келиб, пахта териш машиналарининг қанчалик машаққатлар билан яратилишини бир кўриб кетсин. Ана ўшанда у эммасидаги катта масъулиятни ҳис қилади.

Ҳа, Энвер Алиев айтганидек, ҳар бир машина осонликча яратилмайди. У қанчадан-қанча олимлар, конструкторлар, металлургларнинг ва ишчиларнинг машаққатли меҳнати маҳсули. Шундай экан, «заингори кема»ларимизнинг унумли ишлатилиши биз ишчиларга жуда катта сабинч бағишлайди, янги меҳнат ғалабаларига чорлайди. Сизга омад тилаймиз, азиз пахтакорлар!

М. МЎЙДИНОВ,
«Ташсельмаш» заводи тунукасоз слесари.

ТЕРИ

ЁЗУВЧИ

Рекорд ҳосил байроғи хоразмликлар қўлида! Бу йилги марра — 425 минг тонна, яъни ўтган йилдагидан 45 минг тонна знёд. Бунинг маъноси шуки, юбилей йилида янги рекорд қўйилади, область бўйича ҳар гектар ердан олинган ҳосил 40 центнерга етказилади! Ҳозир ким билан суҳбатда бўлсангиз, ана шу гаплар тилга олинади, ҳамманинг ташвиши шу!

Биз кузги Хоразмни бир назардан ўтказдик, кўп одамлар билан суҳбатда бўлдик, уларнинг сўзлари билан ишларини чамалаб кўрдик. Бу диалоглар 1977 Хоразм кузи ҳақида, бу ердаги оддий, меҳнаткаш одамларнинг юраги ҳақида, воҳани чулғаб олган улуғвор меҳнат симфонияси ҳақида ёрқин тасаввур беради.

— Ипатово райони галлакорлари ва Оқолтин райони пахтакорларининг йиғим-теримни ўтказиш юзасидан белгилаган тадбирларида сизнинг хўжалигингиз учун ибратли нималар бор?


Бу саволга Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз раиси Аҳмаджон Юсупов жавоб берди:

Ставрополь ўлкаси Ипатово район партия ташкилотининг 1977 йилги ҳосилни йиғиштириб олишдаги тажрибаси ҳақида КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарор ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу район партия комитетига йўллаган мактуби бизнинг амалий фаолиятимиз учун ҳам муҳим дастур бўлди. Ипатово галлакорларининг иш методидаги янгилик шуки, район ва ҳар бир хўжалик кўп йиллик тажриба ва фан ютуқларига таянган ҳолда, йиғим-теримнинг комплекс планини ишлаб чиқдилар. Оқолтин райони меҳнат аҳли ипатоволиклардан ибрат олиб, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан тадбирлар белгилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу тадбирлар ҳаммамиз учун ибратлидир. Биз ҳам ипатоволиклар ва оқолтинликлар тажрибаси асосида йиғим-теримни ўтказиш юзасидан комплекс план ишлаб чиқдик. Комплекс планга кўра, терим ва транспорт отрядлари, далаларни тайёрлайдиган, йиғим-теримда ишлайдиган звенолар, шунингдек, транспорт, созловчи слесарлар звенолари, маиший хизмат кўрсатиш бўйича махсус звено тузилди. Колхоз правлениеси ва партия комитети комплекс планга қатъий риоя қилинишини таъминлаб, белгиланган графикларнинг амалда бажарилишига эришаётирлар. Мавжуд 30 та агрегат далада бетўхтов ва серунум ишлаб, суръатни оширишга ёрдам бермоқда. Ишга яроқли ҳамма — далада! Кунлик ўсиш ҳозир 3,5-4 процент бўлса, эрта-индин 5 процентга кўтарилади. Қуронбой Ҳайитбоев, Мўмин Аминов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадалар кунига 7-8 процент миқдорида пахта тайёрлаётир. Кенжа Рўзиматов бошлиқ бригадада кеча йиллик планнинг 12,2 проценти ҳажмида «оқ олтин» йиғиб олинди. Исмоил Шарипов бошлиқ 60 центнерчи бригада дастлабки маррани эгаллаб, мажбурият ҳисобига пахта топширишга киришди. Жуманиёз Раҳимов, Фароғат Машарипова, Қаландар Бобожонов, Давлат Очилов сингари механик-ҳайдовчилар машина теримида ҳаммага ибрат бўлмоқдалар. 1 октябргача 7140 тонна пахта тайёрлаб, халқ хўжалик планини бажаришга, 8500 тонна «оқ олтин»ни юбилейга совға қилиш юзасидан олган мажбуриятимизни эса 15 октябргача адо этишга эришамиз.

Карвонбоши хўжаликлар ҳақида гап борганида Гурлан районидаги «Коммунизм», Қўшкўпир районидаги Олтибой Қурбонов номли, Урганч районидаги Ленин номли, Хива районидаги «Партия XXII съезди» колхозларининг номларини биринчи навбатда тилга олсак арзийди. Пойга давом этяпти. Баъзан ўринлар ҳар бир район, ҳар бир ко... хоҳ ...ли, бу она — Ўзбекистон меҳнаткашлари ижод қилаётган қаҳрамонлик қиссасининг ҳаяжонли саҳифалари, ёрқин бобларидир. Ижодингга барака, заҳматкаш юртим!

Омон МАТЖОН,
Фозил ЗОҲИД,
Эркин МАДРАҲИМ.

Пахта йиғим-теримида пойтахт области деҳқонлари пешқадам бўлиб олишди. Фото мухбиримиз И. Глауберзон «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозида бўлиб, йиғим-терим конвейерини суратга олди. Суратларда: (чапдан) совхознинг Мустафо Чачи номли бўлими даласида механизаторлардан Эргаш Мақсудов билан Ориф Мамед жавлон ураётган пайт. Уларнинг ҳар бири кунига 15—16 тоннадан пахта машина бункеридан тўкмоқда. Ўртадаги суратда пахта ҳармони акс этган. Бу йил мазкур тайёрлов пунктида 25 минг тонна «оқ олтин» жамланади. Ўнгдаги суратда эса чигитдан тозаланган пахта той-той қилиниб Совет Иттифоқининг тўқимачилик корхоналарига жўнатишга тайёрлаб қўйилмоқда.



Ма гап

БРЕЖНЕВ ШР ЭТИЛДИ

циал тараққиёт учун изчиллик билан олиб бораётган курашини ҳимоя қилувчи конкрет материалларни топади».

Кириш сўзида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: «Бу китобдаги материаллар партиямизнинг сиёсати, XX асрдаги энг мураккаб социал, иқтисодий ва сиёсий проблемаларга дуч келиб тақдим этиб келган ва тақдим этаётган қарорлари замон синовидан ўтганлигини, бу қарорлар меҳнат аҳлининг манфаатларига тўла-тўкис асосланганлигини, унинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини бутун чоралар билан ва ҳар томонлама қондиришга қаратилганлигини яққол тасвирлаб бера олади».

Тўплам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги ва Финляндия мустақил давлат деб эълон қилинган кунининг 60 йиллиги арафасида нашр этилди.

ФРАНЦИЯНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Паржида Елисей саройининг ахбороти эълон қилинди. Ахборотда Франция президенти қуролсизланиш проблемаларига бағишланган кенгаш ўтказганлиги айтилади.

Франция шу йилнинг охиригача ядро қуролини тарқатмаслик хусусида ташаббус кўрсатади, шунингдек қуролсизланиш сиёсатига ўз ҳиссасини қўшади. Ахборотда бу проблемалар В. Жискар д'Эстэн билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ўртасида, шунингдек АҚШ президенти Ж. Картер билан бўлган учрашувлар вақтида бу проблемалар муҳокама қилинганлиги эслатиб ўтилади.

Елисей саройи вакили яқин орада Франция президенти бошқа давлатларнинг раҳбарлари билан учрашган тақдирда қуролсизланиш тўғрисидаги масала шу музокараларда энг асосий масалалардан бири бўлиб қолишини уқтириб ўтди.

(ТАСС).

ОБЗОР

НАТОчилар Парижга тупланишди

Франция миллат мажлисининг резиденцияси — Бурбон саройи ўз даврида кўп воқеаларни бошидан кечирган. Аммо бу сафарги ҳодиса унинг учун тамомила янгилик бўлди: агрессив НАТО блокида қатнашувчи мамлакатлар парламент аъзолари ташкилоти бўлмиш Шимолий Атлантика ассамблеясининг 23-сессияси шу саройда 18 сентябрдан 24 сентябргача давом этди. Франция ана шу блокнинг ҳарбий ташкилотидан чиқиб кетган пайтдан буён НАТО мамлакатлари парламент аъзоларидан 200 киши биринчи марта Парижга келди. Бу ерда уларни зўр дабдаба билан кутиб олишди. Франциянинг ўзида ҳам, НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатларда ҳам НАТО ассамблеяси теварагида рўй берган бундай дабдаба нлгари ҳеч қачон кўрилмаган эди. Бу ташкилотнинг секретариати бундан ўн йил муқаддам, яъни Брюсселга кўчиб кетганига қадар Францияда жойлашган эди.

Ҳақли равишда шундай савол тугилади: Шимолий Атлантика ассамблеяси, эҳтимол, ўз характерини ўзгартиргандир? Эҳтимол, у замонга ҳамнафас бўлишга қарор бериб, кескинликни юмшатиш, хавфсизлик ва тинчлик йўлига ўтгандир ва шу боисдан Парижга таклиф этилгандир? Йўқ, асло бундай эмас, гўё «Шарқдан келаётган хавф» ҳақидаги, НАТОнинг жанговарлик қобилиятини мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида сийқаси чиқиб қолган гаплар худди шу кунларда Бурбон саройи минбаридан такрорланди.

Парижда ўтказилган сессиянинг ташкилотчилари тинчлик борасидаги ташаббусни хеч қачон кўлга киритган эмас. «Совуқ уруш»нинг ашаддий тарафдори НАТОнинг бош секретари Йозеф Лунс бу сессияда асосий нотиқ сифатида кўзга ташланди. Бу ташкилотнинг ҳарбий комитети томонидан ассамблеяга тақдим этилган докладдаги асосий бўлимларнинг номи — «Марказий фронтдаги вазият», «Блок қанотларидаги аҳвол», «Совет ҳарбий денгиз кучлари билан юзма-юз турилган бир шароитда денгизлардаги вазият» деган номларнинг ўзи унинг моҳиятини очиб беради.

НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар парламент аъзоларининг шу йиғинида қизиб кетган мунозараларнинг бориши ҳам диққат-эътиборга сазовордир. Бу мунозара Англиянинг иқтисодий қийинчиликлар туфайли ҳарбий мақсадларга ажратиладиган харажатларини бир мунча қисқартириш ниати борлигига қарши қатъий норозилик билдириш билан бошланди. Лунс шу блок қатнашчиларини қаттиқ огоҳлантириб, НАТО «шу йўлда кўриладиган тадбирларни қўллаб-қувватламайди», деди.

Ғарб мамлакатларининг мухбирлари Брюсселдан хабар беришича, НАТО доиралари Шимолий Атлантика ассамблеяси ўз сессиясини Парижда ўтказишга таклиф этилганлигидан жуда хурсанд бўлганлар. Рейтер агентлиги қуйидагиларни хабар қилади: «мансабдор шахслар бу сессиянинг Парижда ўтказилиши Франциянинг НАТОга нисбатан тутган позициясини юмшашиб бораётганлигини кўрсатувчи янги бир далил деб, бу ҳолат генерал де Голлнинг 1966 йилда ўз мамлакатини НАТО ҳарбий ташкилотидан чиқариш тўғрисида қабул қилган қарорига тамомила зиддир, деб ҳисобламоқдалар».

Кескинликни юмшатишга қарши чиқаётган наточиларнинг узоқ тамаффусдан кейин Сена соҳилларида яна такрорланган нутқлари жаҳондаги тараққийпарвар жамоатчиликни ҳақли равишда таажжублантирмоқда ва ташвишга солмоқда. Франция аҳолисининг кенг табақалари, Европа қитъасида ва бутун дунёда ялпи тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишини қадрлаётган кишилар наточилар слётининг Парижда ўтказилганлигидан ғоят ташвишланаётганликларини изҳор қилмоқдалар.

И. ЛАПИЦКИЙ,
Е. БАБЕНКО.
(ТАСС).

ПАХТАКОР ҚИЗЛАРГА

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Даврангизга шеър биланмас, армон билан кепдим мен,
Ҳали сизга арзигулик шеър битмаган эканман.
Қалбингизга яқин бориб, хаёлларга толдим мен,
Чаманларн шунча кўпки, мен ўтмаган эканман.

Меҳнатингиз очган чаман этди мени ҳамгу манг.
Сиздай чоғда юрмасмидим ўсмалардан бўшамай.
Шиддатингиз ташбеҳларин топмоқ менга даргумон,
Мадҳ айламоқ қийин сизни токи сиздай яшамай.

Денгизларнинг соҳилида солиб ўзни қуёшга,
Тобланмоқлик ҳатто сизнинг тушингизга кирмас ҳам.
Мовий дала-денгизингиз. Офтобни тутиб бошга,
Тобланасиз, ҳам унга. ҳам ўзингизга бермай дам.

Кузга келиб, қуёшнинг-ку билинади чарчоғи,
Энди унинг рағбати йўқ аввалгидай юмушга.
Сизда авжи бошланади дилингиз сафарбар чоғи,
Рағбатингиз, меҳнатингиз — дала тўла кумушга.

Оппоқ-оппоқ пахталарга тўла бориб хирмонлар,
Оппоқ-оппоқ қўшиқларин қўмсаб қолган пайтингиз —
Кўчирдимми экан оққа, ўтиб дала томонлар,
Ҳар эгатни сатр билиб, ёзиб қўйган байтингиз?!

Қанча-қанча сатрларни қоралайсиз ҳар куни,
Оққа кўчирмоқни эса қолдирасиз бизларга.
Гапнинг рости, ҳар доим ҳам эплайвермаймиз уни
Хушхат қилиб кўчирмоғу қайтармоқни сизларга.

Шундан букун даврангизга армон билан кепдим мен,
Ҳали сизга арзигулик шеър битмаган эканман.
Қалбингизга яқин бориб, хаёлларга толдим мен,
Чаманларн шунча кўпки, мен ўтмаган эканман.

Лекин энди ўтарман, деб қилган аҳдим қатъийдир.
Саҳарларнинг изғирини ёрса ёрсин юзимни.
Кўз эмас, йўқ юрак топган сатр шеърга татйидир.
Шундай сатр орзуманди билярканман ўзимни —

Йироқданмас, юрагингиз мен яқинан кузатай,
Махсус эмас, бўлиб сиздай захматкаш даланинг.
Айтар бўлсам. шундан кейин даврангизда сўз айтай,
Тмигласангиз, шундан кейин тингланг қалбим ўланин.

Ҳа, унгача битиб қолар хирмонингиз чаласи,
Мен ҳам шеърим кам-кўстини тўлдираман унгача.
Иккимизни чорлаб турар синовларнинг даласи,
Ҳозирча хўш, «план тўлди», деган ёруғ кунгача.
Даврангизга ана унда мен киргайман шеър билан...


сайин нўпайиб бормоқда. Андижонликлар тўққизинчи беш йилликнинг бошларида 55 минг тонна толани экспорт қилган бўлсалар, эндиликда эса бу кўрсаткич икки баравар кўпайди.

(ЎзТАГ).

ПАХТАЗОР ҲАЗИЛЛАРИ



Юбилей йили ҳосили:
— Дарвозангни каттароқ қур, демабмидим?!



— Яхшиси, мен уйда овқат пиширib, болаларга қараб ўтира қолай, онаси!



— Бу поезд қаерга кетяпти?
— 5 миллион 360 минг тонналик катта хирмонга!

Рассом А. ХОЛИҚОВ.

ФУТБОЛ

ОЛИЙ ЛИГА СЎҚМОҚЛАРИДА

«А» класси биринчи группасидаги командаларнинг мусобақалари турдан-турга ўтган сари янада жиддий тус олмоқда. Ишқибозларнинг ҳаяжонлари ортиб, ўзларича турли-туман мулоҳазаларни, тахминларни ҳаёлан кўз олдиларидан ўтказмоқдалар. Олий лигага ўтиш учун кураш асосан Москванинг «Спартак», Минскнинг «Динамо» ва «Пахтакор» командалари ўртасида бораётган бўлса-да, «Куйбасс», «Таврия», «Памир» командалари ҳам уларни изма-из қувиб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам навбатдаги ўйинларнинг янада қизиқарли ва тўлқинлантирувчи руҳда ўтиши табиийдир.

Республикамизнинг меҳнат аҳли Ватанимизнинг навқирон 60 ёшига тўёна — 5 миллион 360 минг тонна «оқ олтин»ни тайёрлаш мақсадида жонбозлик кўрсатмоқда. Исми жисмига монанд, ўз оти билан «Пахтакор» деб ном олган севимли командамиз бу кураш-дан четда туриши мумкинми?! Йўқ, албатта. У ҳам ўзининг бутун маҳоратини ишга солиб, ажойиб ўйинлари билан ишқибозларни хурсанд қилиши, кайфиятини кўтариши, асосий мақсад — олий лига томон интилмоғи шарт.

Хўш, командамизнинг ҳозирги мавқеи қандай? Гарчи, кейинги уч ўйинда беш очко йўқотиб, карвонбошиликдан учинчи ўринга тушиб қолган бўлсада, умидсизликка, асосий мақсаддан чекинишга асос йўқ.

Таққослаб кўрайлик: «Пахтакор» қолган тўққиз ўйинидан олтитасини ўз уйида ўтказса, бунинг тескариси ўлароқ, Минскнинг «Динамо» командаси олти ўйинни рақиблар майдонида ўтказади. Агар динамочиларнинг Кишинев, Москва, Симферополь, Ростовда: «Нистру», «Спартак», «Таврия» ва СКА билан куч синашишини эътиборга олсак, келаси йили олий лигада қатнашиш учун қайси команданинг имконияти кўплиги яққол кўринади.

Олий лига сўқмоқларидаги қийинчиликларни енгиш осон эмас. Биринчи давра охирларида «Пахтакор»дан беш очко фарқ қилиб, олдинга илдамлаб кетган минсклик динамочилар, кутилмаганда, кетма-кет мағлубиятга учрашини ишқибозлар кутганмиди?! Футбол мана шундай тасодифлари билан кишини ҳаяжонга солади-да.

Ҳозир олий лиганинг иккита йўлланмаси учун кураш қизғин паллага кирди, командалар мўлжал томон олиб бораётган тўғри йўлга чиқдилар. Эндиги вазифа: шу йўлда қўқилмаслик, юксак уюшқоқлик, интизом... Афсуски, бу соҳада «Пахтакор» командаси «рекорд» қўйиб, мухлисларни қаттиқ ранжитди. Могильний, Аширов каби ҳимоячиларнинг кетма-кет огоҳлантиришлар олиб, бир неча ўйинда қатнашишдан маҳрум бўлганлари етмагандай, команда капитани Ан Кемеровода ўртоқларини оғир аҳволда қолдириб, майдондан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Ўтган куни «Пахтакор» олий лига йўлидаги тўққиз гўсиқнинг биридан муваффақиятли ўтди. Ўз майдонида «Рубин» командасини қабул қилиб, 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Икки асосий ўйинчиси Ан ва Корченов учрашувда қатнашмаган бўлса ҳам, «Пахтакор»нинг жанговарлик руҳи сезилиб турди. «Гуноҳларини ювиб бўлган» Могильний билан Аширов бошқа ҳимоячилар билан ҳамкорликда ўйнаб, ўз дарвозаларининг даҳлсизлигини сақлаб қолдилар. Узоқ вақт бетобликдан сўнг майдонга тушган Фёдоров рақиб дарвозасини икки марта нишонга олиб, ўз ҳисобидаги тўпларни 7 тага етказди ва команда ҳужумчилари орасида пешқадам бўлиб олди. Колган икки тўпни эса Загуменних ва Баканов киритдилар. «Пахтакор»нинг салобати босдими ёки биринчи группа билан ҳайрлашиш саросимага солиб қўйдими, ҳарқалай, меҳмонларнинг ўйини қовушмади. Онда-сонда қилган ҳужумлари эса, «Пахтакор»нинг жарима майдонидан нарига ўтмади.

Колган ўйинлар натижаси: «Памир» — «Звезда» — 3:0, «Торпедо» — «Уралмаш» — 4:0, «Колхозчи» — Кузбасс» — 1:1, «Спартак» (И-Ф) — «Динамо» (Мн) — 0:0, «Металлург» — «Шинник» — 5:2, «Кривбасс» — «Спартак» (М) — 1:3, «Таврия» — «Спартак» (Ор) — 2:1, «Нистру» — «Динамо» (Л) — 2:1.

	У	Т	О
Спартак М	30	69-40	41
Пахтакор	30	43-21	40
Динамо Мн	30	37-17	40
Кузбасс	29	43-29	37
Таврия	29	41-23	36
Помир	30	44-29	35
Шинник	30	46-33	33
Нистру	29	35-31	33
Терек	29	48-36	32
Динамо Л.	30	43-43	29
Торпедо	30	32-37	29
Уралмаш	29	39-46	29
СКА	30	27-35	26
Металлург	29	22-33	25
Спартак Ор.	30	31-39	24
Спартак И-Ф	29	25-39	24
Колхозчи	30	29-51	23
Рубин	29	30-54	20
Кривбасс	29	33-49	19
Звезда	29	21-47	15

«Пахтакор» кетма-кет уч ўйинни ўз майдонида «Звезда», «Кривбасс» ва «Металлург» командалари билан ўтказади. Ишқибозларнинг бу учрашувлардан умиди катта.

А. МАЪЗУМОВ.
«Совет Узбекистони»нинг футбол шарҳловчиси.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

25 СЕНТЯБРЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ОРБИТА-3» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Янгиликлар. 9.10 — Зарядкага сафланинг. 9.30 — Будильник. 10.10 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.00 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 12.10 — Спорт программаси. 13.10 — Телевизион ҳужжатли фильм. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — «Кўл бўйида». Бадиий фильм. 1-серил. 16.20 — Музикали киоск. 16.50 — Бугун — машинасозлар куни. 17.05 — Хатларингиз асосида. 17.50 — Халқаро панорама. 18.15 — Беш кун ва бир тонг. Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.10 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.25 — 1977 йил қўшиқлари. 20.50 — Шахсий бахт. Бадиий фильм. 5-серия. 22.00 — «Вақт». 22.40 — Кинопанорама.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. НИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.20 — «Куйлаң, ёш қонандалар». 10.50 — Мультфильм. 11.00 — Салют, Октябрь. 12.00 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 12.40 — Концерт. 13.10 — Ота-оналар учун консультация. 13.40 — Шахмат мактаби. 14.10 — Илмий-оммабоп программа. 14.40 — Киноэкран янгиликлари. 17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Мактаб ўқувчилари учун. 18.40 — Бугун — машинасозлар куни. 19.00 — Телевизион фильм-концерт. 19.30 — СССР Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Концерт. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Телевизион миниатюралар театри. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Пахтакорлар учун музикали программа.

26 СЕНТЯБРЬ,

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — «Семург» бадиий фильм. 12.15 — Ҳайвонот оламида. 13.30 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — «Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ» бадиий фильм. 16.55 — Концерт. 17.15 — Телевизион очерк. 17.45 — Онамларнинг мактаби. 18.15 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Халқ билан бирга. 20.05 — Тула области меҳнаткашлари мусобақалашмоқдалар. 20.50 — «Элегия» фильм-спектаклининг премьераси. 22.00 — Вақт. 22.30 — «Элегия» фильм-спектаклининг давоми. 23.15 — Огир атлетика бўйича жаҳон чемпионати. 23.45 — Катта симфоник оркестр билан бир соат.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.20 — Табиатшунослик. 10.40 — Мультфильм. 10.45 — «Оҳуъ» фильм-балет. 11.30 — Табиатшунослик. 18.30 — Олимпия умидлари. 19.00 — Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари. 19.20 — Томчи сувнинг қадри. Ҳужжатли фильм премьераси. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Мусобақа, тажриба, ташаббус. Экранда — Самарқанд область. 20.30 — Ғ. Эргашев чаладн. 21.00 — Ахборот. 21.20 — «Сайқал» ҳаваскордик ансамбли ижро этади. 22.00 — Вақт. 22.30 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.45 — Кўчиб юрувчи фронт. Бадиий фильм.

Радио

8.30 — Радиотингловчилар тузган программа асосида концерт. 9.15 — «Табассум» радиожурнали. 11.15 — Москва. «Эрталабки салом!» 12.10 — «Узбекистан индустриальний». 13.00 — Меҳнат зафарларимиз — Улуг Октябрга. 13.30 — Машинасозлар, сизлар учун. Концерт. 14.00 — «Табаррук замин». 15.10 — Мактаб ва ҳаёт. 15.25 — Машинасозларнинг талабларига биноан концерт. 17.40 — Дам олиш киноафишаси. 18.00 — Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. 18.30 — Рақс оҳанглари. 19.00 — Увертюралар. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг «Юлдузли йўл» программаси. 20.25 — «Чорвоқ мавжлари». 21.00 — Пахта далаларидан дараклар ва пахтакорлар учун концерт. 22.00 — «Табассум» радиожурнали (такрорий эшиттириш). 22.45 — Енгил куйлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

977 ЙИЛ ◆ № 225 (16.915).

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/IX да **Князь Игорь**, (12.00), **Бир актли балетлар** (19.00), 27/IX да **Тоҳир ва Зуҳра**, 28/IX да **Спартак**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IX да **Келинлар қўзғолони**, 27/IX да **Парвона**, 28/IX да **Келинлар қўзғолони**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IX да **Тўй муборак**, қари қиз 27/IX да **Скапеннинг ҳийласи**, 28/IX да **Кўзингни каттароқ оч!**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 25/IX да **Москва цирки артистларининг гастролляри. «СУВДА ЦИРК» АТТРАКЦИОНИ** (12.30, 16.00, 19.30).

Кино

25 СЕНТЯБРДА

Хавфли қувиш — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Она — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 14).

Арвоҳ-кема — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Подшо Пётр қандай қилиб хабашни уйлантиргани ҳақида — «ТИНЧЛИК» (кундуз ва кечқурун).

26 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Ҳаётга ташналик** (11, 13.30, 16, 18.30)

Йиғламагин, қизгина — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (куфт совгаларда), «МОСКВА» (10, 14, 15,30, 17), «ТИНЧЛИК» (кундуз ва кечқурун).

Арвоҳ-кема — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Оқ Бим Қора Қулоқ — «ЧАЙКА» (12, 18.00).

Қамал — «ЧАЙКА» (15, 21.00).

Севишганлар ҳақида романс — «МОСКВА» (11.30, 18.30, 20.45).

Куз — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Номаълум актёр ҳақида қисса — «ФЕСТИВАЛЬ».

Она — «ХИВА».

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТЕМИР ЙЎЛ АТСи ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИГА УЛАНГАН АБОНЕНТЛАРНИНГ НОМЕРЛАРИ

24 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ЎЗГАРТИРИЛДИ

«4» билан бошланадиган номерларни териш учун номердан илгари 324 ни териш, абонент номеридан эса биринчи «4» рақамини олиб ташлаш зарур.

Масалан: Шаҳардан 49-98 терилган вақтда 324-998 ни териш зарур.

«6» билан бошланадиган номерларни териш учун номердан олдин 392ни териш, абонент номеридан эса биринчи «6» рақамини олиб ташлаш керак.

Масалан: шаҳардан 69-98 терилган вақтда 392-998ни териш керак.

«2» билан бошланадиган номерларни териш учун номер олдидан 996ни териш, абонент номеридан эса биринчи «2» рақамини олиб ташлаш керак.

Масалан: шаҳардан 29-99 номерларни терган вақтда 996-999ни териш зарур.

Тошкент темир йўл узели телефонлари бўйича справочная 32-41-13.

«1», «5», «9» рақамларидан бошланадиган номерлар шаҳардан ташқарига чиқмайди.

ТОШКЕНТ СИГНАЛИЗАЦИЯ ВА АЛОҚА УЗЕЛИ ПОДСТАНЦИЯСИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МОСКВА АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

«СУВДА ЦИРК»

АТТРАКЦИОНИ

Томошалар ҳар куни (душанбадан ташқари) соат 19.30 да; шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да; якшанба кунлари соат 12.30, 16.00, 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН ИШ. ЛАЙДИ.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

«САОДАТ» журнали редакцияси журналнинг собиқ ходими, кекса журналист ва шоира

Маҳбуба РАҲИМ ҚИЗИнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР:

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 03602. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 225.